



“UZLUKSIZ TAʼLIM MAZMUNI: METOD VA VOSITALARINI MODERNIZACIYALASHNING DIDAKTIK PRINCIPLARI”

Республика илмий-услубий конференция
материаллари тўплами
(Илмий мақолалар ва тезислар)

8 январь, 2016 йил



Тошкент 2016

2016 йил 8 январда Қибрай молча ва иқтисод касб-хунар коллежида
“Ўзлуқсиз таълим мазмуни: метод ва воситаларини модернизациялашнинг
дидактик принциплари” мавзусида Республика илмий-амалий анжуман
ўтказилди.

Анжуман олий ва ўрта махсус таълим масканлари ўртасида тузилган
ҳамкорлик шартномасига асосан ташкиллаштирилди.

Конференция ўз ичига 8 та секцияда олиб боради.

1. Педагогика ва психология ўқитиш методикаси.

Секция раиси: *Нидзметова Гулбаҳор Ибрагимовна*, пед. фан. ном. ТДПУ доц.

2. Чет тиллари ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Алшо жоновна Шахноза*, ТДПУ тиллар кафедраси мудири доц.

3. Аниқ фанлар ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Эиол Аббор Араббоевич*, Паркент агросанат ва сервис коллежи
ўқитувчиси.

4. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *С. Ҳамдамоча*, ЎзДК кф. муд. доц, фил. фан. ном.

5. Махсус фанлар ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Абдуллаева С.Р.* Аспасозлик касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

6. Рус тили фанни ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Рахимова Дилорам Устамовна*, Қибрай молча иқтисодиёт КХК
“Ўзбек тили ва чет тиллари” каф. мудири.

7. Табиий фанларни ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Қосимова Гулбаҳор*, Тошкент шаҳри, Ҳамза туманидаги 152
умумтаълим мактаби биология фани Олий тоифали ўқитувчиси, мактаб илмий
бўлим мудири.

8. Иқтисод ва касбий таълим» фанларни ўқитиш методикаси.

Секция раиси — *Шомуратова Нигора*, п.ф.н. ТДИУ «Касбий таълим» каф. муд.

Муҳаррирлар: доц. С.Алимов (ЎЗМУ), проф. Н.Саидов (ТДПУ),
доц. Х.Махаммадалиев (ЎЗЖУ), доц. М.Д.Бегалиева (ТТУ), Бегматов Ш. (НДУ), Доц.
А.Ж.Сапаров (ТМИ), Доц. И. Ахмедов (ТДИУ).

Тўпламда олий таълим муассасалари проф-ўқитувчилари, талабалари,
магистрлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, муассасалар
ҳодимлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчиларнинг
илмий мақолалари ва тезислари жой олган.

Республика илмий-амалий конференция ташкилотчилари:

Ахмедов И.А. ТДИУ А/Л ва КХК билан ишлаш проректори.

Қ.Пинязов, Қибрай Молча ва иқтисод КХК бўлим бошлиғи.

Турсунов И.Н. фил. фан. ном. ЎзДК.

Алижонов Ж.А. ТошДАУ кишл. хўж. фан. ном. каф. муд.

Носурова К.Р. ТМИ доценти.

А. Байдуллаев, ТошФАРМИ информатика каф. ўқитувчиси.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмунига муаллифлар жавобгар.

СЎЗ БОШИ

Бугунги кунда юксак салоҳиятли ва етук мутахассисларни тайёрлаш давр
талаби бўлиб улгурди. Бу эса таълим тизимида ўқитувчидан янгича ижод
қилишга сафарбор этади.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, таълим тизимини
тубдан ислох қилиш асосий ва кечиктириб бўлмас масалалардан бири бўлиб
қолди. Шу мақсадда, тизимда эътиборга мойил ишлар амалга оширилдики,
бугунги кунда жаҳон аҳли ўзбек таълим тизими моделини қизиқиш билан
ўрганмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” қонуннинг
қабул қилиниши таълим-тарбиянинг, чунончи, касбий таълимнинг тараққий
этишига юксак омил бўлди.

Ҳозирда таълим муассасалари ўқитувчилари ўз дарсларига ижодкорлик
билан ёндашаётганлиги, янгидан-янги педтехнологияларни амалиётга тадбиқ
этаётганликлари қувонарли ҳолдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд барча касб-таълим ва академик
лицейлар энг тажрибали ва малакали ўқитувчи – ходимлар билан
таъминланиши билан бирга, ушбу таълим масканларида ўқувчи – ёшларга энг
илгор педтехнологиялар асосида билим берилмоқда. Бу эса келажакимиз
ворисларини баркамол мутахассисликлар бўлиб шакилланишига юксак омил
бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда умумтаълим ва ўрта-махсус таълим муассасаларида ўқитувчилар
нафақат таълим-тарбия, шу билан бирга, илмий-тадқиқот, илмий-услубий
ишларини кенг йўлга қўйганликлари уларнинг малака ва кўникмаларининг
тараққий этаётганлигидан далолат бермоқда.

Республикамиздаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда
бугунги кунда кўплаб илмий-оммабоп тадбирларнинг уюштирилиши таълим
tizimining ривожланаётганидан далолат бермоқда.

Ҳозирги кунда нафақат ўрта махсус таълим масканларининг ўқитувчилари
илмий тадқиқот ишлари билан машғул, шу билан бирга, шундай масканларда
таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг ҳам илмий – тадқиқот ишлари билан
машғул бўлиши, яъни улар томонидан ёзилаётган илмий мақолалар нафақат
мамлакатимизда, балки ҳорижий мамлакатларда ҳам мутасаддилар томонидан
илмий кутиб олинмоқда.

Бугунги кунда Олий ўқув юрглари билан ўрта махсус таълим
масканларидаги ўқув-услубий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот каби
жабҳаларда ҳамкорлик қилиш ҳар иккала таълим тизимидаги узвийликни янада
ривожлантиришга мустақкам асос бўлиб хизмат қилади.

Бу эса келажакимиз ворислари – ёшларнинг жаҳон стандартлари
талабларига жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

АНИҚ ФАНЛАР

Абдурахмон БАЙДУЛЛАЕВ-
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси,
Йулчи ШОИМОВ –
Юнусобод телекоммуникация
технологиялари КХК ўқитувчиси

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Калит сўзлар ва иборалар: тизим, элементлар, компьютернинг техник қисми, техника воситалари, махсус дастурлар.

Тизим (система) деганда, ягона мақсад йўлида бир вақтнинг узида ҳам яхлит, ҳам ўзаро боғланган тарзда фаоллият кўрсатадиган бир неча турдаги элементлар мажмуи тушунилади. Турли элементлардан ташкил топган ва турли мақсадларга хизмат қилувчи тизимларга мисоллар келтирамиз:

№	Тизим тури	Тизим элементлари	Тизимнинг асосий мақсади
1.	Корхона	Одамлар, қурилмалар, материаллар, бизно ва ҳ.к.	Махсулот ишлаб чиқариши
2.	Компьютер	Электрон ва электромеханик қурилмалар	Маълумотни қайта ишлаш
3.	Телекоммуникацион тизим	Коммуникация воситалари, элементлар, алоқа каналлари, қурилмалар	Алоқа каналларини ўзаро боғлаш ва маълумот алмашинувнинг таъминлаш
4.	Ахборот тизими	Компьютерлар, компьютер тармоқлари, одамлар, ахборот, дастурий таъминот ва бошқалар	Ахборотларни автоматлашган ҳолда қайта ишлаш

Информатикада «тизим» тушунчаси кўпроқ техник воситалар ва дастурлар тўпламига нисбатан ишлатилади.

Компьютернинг техник қисмини «тизим» деб тасаввур этиш мумкин. Шунингдек, ҳисоботларни тайёрлаш ва электрон ҳужжатлар оқимини бошқариш каби амалий вазифаларни ҳал қилишга мулкаланган дастурлар тўпламини ҳам «тизим» деб ҳисоблаш мумкин.

Хўш, бундай вазиятда «Бу ахборотлардан қандай фойдаланиш керак?» деган табиий савол туради.

Бундай саволга жавоб беришда маълум кетма-кетликда иш юритишнинг лозим бўлади. Шунинг учун ишни ахборотни олиш, уни сақлаш ва бир жойдан

бошқа жойга узатишдан, яъни ахборот тизимларидан бошлаймиз. Белгиланган мақсадга эришиш учун ахборотларни шакли ва мазмунига кура турларга ажратиш, уларни сақлаш, излаш ва қайта ишлаш принципларига, қайта ишлашда қулланиладиган усуллар, шахслар ҳамда воситаларнинг ўзаро боғланган мажмуига ахборот тизими (АТ) дейилади.

Ахборот тизимининг асосий вазифасига берилган турдаги ахборотни излаш, уни карта ишлаш ва қисқа вақт ичида керакли жойга узатиш масалаларини ҳал қилиш киради. Компьютер ахборот тизими билан самарали ишлайдиган электрон қурилмадир.

Шахсий компьютерлар ҳисоблаш техникасининг янги турдаги воситаси ҳисобланади. Улар юқори даражада пишиқлиги, ихчам кўриниши, кам энергия сарфлаши ва мобиллиги билан ажралиб туради.

Уларнинг бу хусусияти автоматлаштирилган ишчи жойлари яратиш имконини беради. Бундай автоматлаштирилган ишчи жойлари давлат бошқарув органилари, лойиҳа – конструкторлик бюрolari, саноат ва қишлоқ хужалиги ташкилотлари, тиббиёт ва укув муассасаларида кенг қулланилади.

XX асрнинг иккинчи ярми, хусусан 60-йилларда фан-техника тараққиёти ислини кўрилмаган даражада тезлашиб кетди. Бу эса, ўз ўрнида ахборот оқимининг кўпайишига олиб келди. Масалан, XX асрнинг охириги йилларига келиб, дунёда бир кунда чоп этиладиган газета ва журналлар сони 100000 дан ортиб кетади. Тасаввур этиш қийин эмаски, буларни уқиб чиқишга инсон умри етмайди. Компьютерлар эса ахборотларни ўқиш, эшитиш, қуриш ва қайта ишлашда фойдаланувчига максимал қулайликлар яратади.

Компьютерларнинг такомиллашуви дунёдаги барча ўзгаришларни ўз ичига қамровчи ягона ахборот тизимини яратишга имконият яратди. Агар ўтган асрнинг 60-70- йилларида ахборотлар турига қараб алоҳида-алоҳида карта ишланган бўлса, 80-йиллар охирига келиб улар яхлит бир кўринишда интегралланган ахборот тизимларига бирлаштирилди. 1983 — 85- йилларда яратилган ва ҳозирда кенг тарқалган интегралланган тизимлар — Symphony, time/work, Lotus 1, 2, 3 ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Корхонанинг маълумотлар омборида корхонанинг штат рўйхати, ишчи ва хизматчилар ҳақидаги маълумотлар, иш жалвалари, моддий бойликлар, хом шў ва керакли қисملарни келтириш, омбордаги жамғармалар, тайёр махсулотларни чиқариш, буйруқлар, фармойишлар ва бошқа маълумотлар сақланади. Агар маълумотлар бир омборда бўлса, уларни маълумотлар омборини бошқариш тизимлари ёрламида қайта ишлаш мумкинлиги олдинги обда айтиб ўтилди. Лекин маълумотлар бир неча компьютерларда, ҳатто турли жойлардаги компьютерларда жойлашган бўлса-чи? Бунда бирор маълумотдаги кичик ўзгариш бошқа жойдагиларининг кескин ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, бирор ишчи мансабини кўтариш ҳақидаги буйруқ, афракат шу ишчининг шахсий ишидаги ўзгаришга, балки иш ҳақини тўлаш